

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Жамолов Жўрабек Жамолович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти,
Тошкент, Ўзбекистон. jjjamolov0707@mail.ru*

Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни мамлакат инвестицион фаолият самарадорлига таъсири баҳоланган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари доирасида мавжуд камчиликлар аниқланган. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестицион фаолият, инвестиция салоҳият, инвестицион жозибадорлик, рақобат афзаллиги, инвестицион самарадорлик, инвестицион риск, бозор механизми.

Аннотация

В статье рассматриваются процессы, связанные с привлечением иностранных инвестиций в национальную экономику и совершенствование способов их эффективного использования. Оценено влияние факторов, влияющих на процесс привлечения и эффективного использования иностранных инвестиций, на эффективность инвестиционной деятельности в стране. Выявлены существующие недостатки в сфере привлечения и эффективного использования иностранных инвестиций. Сформированы научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику.

Ключевые слова: инвестиционная деятельность, инвестиционный потенциал, инвестиционная привлекательность, конкурентное преимущество, эффективность инвестиций, инвестиционный риск, рыночный механизм.

Abstract

The article examines the processes associated with attracting foreign investments to the national economy and improving the ways of their effective use. The impact of factors on the efficiency of the country's investment activities affecting the processes of attracting and using foreign investment has been evaluated. The existing shortcomings have been identified within the framework of ways to attract and effectively use foreign investment. Scientific proposals and practical recommendations on improving the system of attracting foreign investments to the national economy have been formed.

Key words: investment activity, investment potential, investment attractiveness, competitive advantage, investment efficiency, investment risk, market mechanism.

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик ва

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар беқиёс ўрин тутди. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг долзарб масалалар орасида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва ривожланиш дастурларини белгилашда, албатта, асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилаётганлигини таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Бунинг ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоян этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибдорлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор чора тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорида алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган[3].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари шакллантиришда инвестиция салоҳияти, инвестицион риск даражаси, инвестицияларни жалб этишнинг ҳудудий рақобат афзалликларида устуворликка эришишда давлат ва бозор механизмлари мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари шакллантириш доирасидаги қатор тадқиқот изланишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Лиесбетх, М.Миет, С.Жо илмий изланишларида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчилар фикрича, ўтиш даври

мамлакатларида иқтисодиётни либераллаштириш жараёни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизмини такомиллаш-тиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тўғридан-тўғри капитални тўплаш ва технологик ноу-хау орқали миллий корхоналарга технологиялар ва билимларни жалб қилиниши иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлайди[4].

П.Михаела, А.Вақар, Х.Ҳелиан тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилади[5].

В.Д.Андрианов илмий тадқиқотларида миллий иқтисодиёт инвестицион салоҳиятининг назарий асослари ўрганилган бўлиб, инвестиция салоҳияти доирасидаги концепциялар назарий жиҳатдан умумлаштирилган, уни ошириш учун молиявий имтиёз-лардан тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган[6].

М.В.Чараева илмий тадқиқотларида ташкилотларнинг реал сармояларини молиявий бошқариш жараёнларининг концептуал асослари ўрганилган. Инновацион йўналтирилган иқтисодиёт шароитида реал сармояларни стратегик молиявий бошқариш хусусиятлари баён этилган[7].

Т.В.Усковао илмий изланишларида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш вазифаси стратегик аҳамиятга эга эканлиги, унинг ечими хомашё экспортдан иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишини талаб қилиши, бу борада инвестициялар асосий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган[8].

М.М.Прусак иқтисодиётни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш учун реал шароитларни таъминлаш умуман давлатда ҳам, минтақаларда ҳам инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни талаб этишни таъкидлай[9].

Н.Ғ.Каримов хорижий инвестицион корхоналар учун макроиқтисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, дастурини шакллантириш билан боғлиқ жараён-лар тадқиқ этилади[10].

У.С.Нодирханов ўзининг илмий тадқиқотлари орқали минтақавий даражада инвестиция фаоллигини ошириш усуллари, минтақаларда инвестиция муҳитини баҳолаш, имтиёзли инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватловчи қулай инвестиция муҳитини шакллантириш жараёнларини ўрганади[11].

Д.Ғозибеков, Э.Носиров илмий изланишларида инвестицион салоҳиятни оширишда солиқ юкини камайтириш, фонд бозорлари ўрнини кескин ошириш, хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш тадбирлари самарали амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этилади[12].

Д.Ш.Бабабекова, Б.О.Турсунов тадқиқотларида фаол инвестицион жараёнларни рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни, фаол инвестициялар орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари асосланади[13].

Ф.У.Умаров тадқиқотларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади[14].

А.Бурханов тадқиқотлари орқали ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилиб, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муаммоли жиҳатлари асосланган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган[15].

Р.Ҳ.Бозоров илмий изланиш-ларида инвестиция муҳитининг омиллари, хусусиятлари, хорижий инвестиция-ларни жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг халқаро индексларда иштирокига бевосита боғлиқлиги тадқиқ қилинган[16].

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари асослашга йўналтирилган юқоридаги тадқиқотларда макроиқтисодий шароитларни яратиш орқали инвестиция жараёнлари ва иқтисодий ўсишнинг фаол суръатларини таъминлаш имконият-лари ўрганилган. Инвестициялари ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар орасида хусусий мулкнинг юқори мавқе, рақобат муҳитининг мавжудлиги, тўловга қобилиятли истеъмол бозорининг ўрни билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йўналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақазо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкин. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш ва баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи мамлакатнинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва уларни молиялаш-тиришни такомиллаштириш мақсадида иқтисодиёти ривожланган хорижий давлатлар молиялаштириш тажрибаларини ўрганиш такомиллаштириб бориш ва улар амалиётидаги ижобий ютуқлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг ўзлаштирилишини самарадорлигини оширишда инвестицион муҳит билан боғлиқ молиявий масалаларни ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришдаги муаммолар тизимли тартибда ҳал этиб борилмоқда.

Инвестицион фаолият стратегиясининг узоқ давр учун амал қилиши, инвестицион ресурсларнинг умумийлиги, тармоқ ва корхона доирасида инвестицияларни жойлаштиришнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдаланиладиган таъсир етувчи усуллар, воситалар ва таъсир кучларига қараб ўзгариб боради. У жараённинг таркибий йўналиши қуйидаги элементларни ўз ичига олади:


- инвестицион фаолият стратегиясининг тактик ва стратегик бошқарув мезонларига мувофиқлиги;

- инвестицион фаолият бошқарув омилларининг мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган турли элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқ;

- менежмент ресурслари, танланган бошқарув услуби қўлланилган ва мақсадга еришилган ҳолда фойдаланиладиган моддий, техник, молиявий, ижтимоий, институционал ва бошқа манбалар.

Республикамизда иқтисодий ривожланишни жадал суръатларини таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишда пухта ўйланган инвестиция сиёсатини муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт тараққиятнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқаришни модернизациялар, техник ва технологик янгиланишлар ва инновацияларни раҳбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда корхоналар даромадини оширишни таъминлайди. Масаланинг нечоғлик муҳим эканлигини йиллар давомида инвестиция оқимларини мунтазам ошириб боришга қаратилган инвестиция сиёсатини юритилаётганлигида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам ҳуқуқий ҳам амалий жиҳатдан янада сезиларли даражада оширилди. Айниқса, олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида республикамизда инвестициялар оқими динамикаси бўйича ижобий ўсиш кузатилмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, млрд.сўм[15]

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми кескин ортиб бормоқда. 2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёда юз берган иқтисодий пасайиш ва инқироз шароитида ҳам республикамизда инвестициялар ҳажми 2016 йилга қараганда 4 баробар ошганини кўриш мумкин.

Инвестицияларнинг ўсиш динамикасида фақатгина 2020 йилда ўсиш даражаси 3 фоизни ташкил этганлиги бевосита пандемия шароити билан боғлиқдир. Аммо, 2019 йилдаги ўсиш 57,7 фоиз бўлиб, сўнгги беш йилликдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, инвестициялар ҳажмининг жадал суръатларда ўсиб бораётганлиги республикамизда узоқни кўзлаб, пухта ўйланган инвестиция сиёсатини юритишнинг амалий натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий стратегик мақсадларидан келиб чиқиб инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва уларни ривожланишига йўл очиб берилмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 202,0 трлн. сўм ўзлаштирилганлиги бу борадаги фикримизни асоси ҳисобланади.


Жадвал

2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг тузилмавий таркиби[15]

<i>Марказлашган инвестициялар 39310,2 млрд.сўм</i>	<i>Асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициялар 202 000,1 млрд.сўм</i>	<i>Марказлашмаган инвестициялар 162 689,9 млрд.сўм</i>
<i>ЎЗР кафолати остида хорижий кредитлар 22 467,1 млрд.сўм</i>	<i>Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар 86 647,0 млрд.сўм</i>	<i>Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 64 179,9 млрд.сўм</i>

2020 йилда инвестицион фаолликни пасайиши кузатилинган бўлиб, 2019 йилга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 91,8 фоизини ташкил этди. 2020 йилда 202,0 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 39310,2 млрд. сўм ёки жами инвестициялар ҳажмининг 19,5 фоизи ва 2019 йилга нисбатан 8,0 фоизга кам асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 162689,9 млрд. сўм ёки жами ҳажмдан 80,5 фоизда инвестициялар ўзлаштирилган. 2020 йилда корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 51911,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 25,7 фоизини ташкил этди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан эса 18077,8 млрд. сўм ёки 8,9 фоиз ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 28740,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 2019 йилга нисбатан 5,3 фоизга камайиб, жами инвестицияларнинг 14,2 фоизини ташкил этди[17].

2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга. Албатта, коронавирус пандемияси ҳали-ҳамон иқтисодий жараёнларга жиддий таъсир ўтказмоқда. Шунга қарамай, экспортда изчил ўсишга эришилмоқда. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимизда экспорт миқдори 9 миллиард доллардан ошган бўлса, 2021 йилда 12 миллиард долларни ташкил этган. Эътиборлиси, бунда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши сезиларли кўпайган[18].



2-расм. 2018-2020 йилларда асосий капиталга ўзлаштириган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати[15]

Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларини молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткич кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларда кузатилинди. 2019 йилга нисбатан бу кўрсаткич, 163,2 фоизни ташкил этди. Бундай юқори ўсишга цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш, электрон газ ҳисоблагичлар, калава, инфузия ва инъекцион қоришма кўринишидаги дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳисобига эришилган. АуминзоАмантой конлари ҳудудида олтин мавжуд конларда I-II босқич, “Мурунтау” карьерига қайта ишлов бериш (V навбат) I босқич, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича мажмуа қурилиши (I-II босқичлар), Тошкент металл заводи қурилиши билан боғлиқ қатор лойиҳалар инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун хизмат қилди.

Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни киритиш, инвестиция лойиҳаларини оқсоқланаётган тармоқларга сафарбар этиш республикамизнинг энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айни вақтда шуни тан олиш керакки, республикамизда иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Хусусан, реал вақт шароитида Ўзбекистондаги сармоя киритиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд эмас. Шу маънода инвестиция лойиҳаларини жалб этишда мамлакат ижтимоий ва сиёсий муҳитини яхшилаш, турли хил переференциялар, паст даражадаги солиқ ставкаларини жорий этиш, шу билан бир қаторда келажакда тузиладиган шартномалар юзасидан, етук кадрларни тайёрлаш, малака оширишни ташкиллаштириш ва албатта, миллий “Ўзбек модели”га риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш бўйича маҳсус фонд ёки иқтисодий аҳамиятга молик муассаса ташкил этиш лозим.

Инвесторлар учун майдонларни инфратузилма нуқтаи назаридан тайёрлаш керак. Мамлакатимизда бундай иқтисодий сиёсат деярли амалга оширилмаяпти. Ваҳоланки, у ҳудудга рақобат афзаллигини тақдим этувчи муҳим механизм ҳисобланади. Фақат инвестиция шартномасининг охириги босқичида ҳудуд раҳбарлари саноат майдонларини тайёрлашга бюджетдан ажратмаларни муҳокама қилишга тайёр бўлмоқдалар. Янги саноат майдонларини инфратузилмавий тайёрлаш катта харажат талаб этганлиги сабабли яқин истиқболда аниқ инвесторлар пайдо бўлгунга қадар ёки инвестор билан шартнома имзолагунга қадар бундай тайёргарликни амалга оширадиган ҳудудларнинг пайдо бўлишини кутиш қийин.

Хулоса ва таклифлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, улардаги ҳиссабай иштирок этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, энг асосийси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча юқоридаги тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга инвестиция лойиҳаларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

Хорижий инвесторларни жалб қилишда турли усулларнинг қўлланилиши ўзининг самарали мевасини ҳозирнинг ўзиданоқ бермоқда. Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлим ярата олди ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратди. Шунингдек, муайян бир тармоқ бўйича инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда;

- фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришга қилинадиган инвестиция қўйилмалари миқдори ва сифатини ошириш;

- базавий инновацияларни эгаллашга асосланган йўналтирилган инновация-инвестиция стратегияларини рағбатлантириш;

- давлат томонидан қўллаб-қувватланиши талаб этиладиган мавжуд ишлаб чиқаришларнинг технологик даражаларини, илмий имконият-ларини, ихтироларни ўрганиш ва баҳолаш;

- қулай ишбилармонлик муҳитининг шакллантирилишини жадаллаш-тириш, чунки у ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизми самарадорлигини ошириш лозим.

Фикримизча, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадга мувофиқ:

- инвесторларнинг қўйилmalarини давлат томонидан суғурталаш, ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мавжуд шарт-шароитлари ва имкониятларини баҳолашга йўналтирилган дастурий платформаларни шакллантириш;

- ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш ва уларни ўзлаштиришда солиқ переференцияларини, ҳудудда қолаётган солиқ тушумлари улушини ўсишида кенг имтиёзлар бериш бўйича норматив базани такомиллаштириш;

- хорижий инвестицияларни саноат тармоқларининг ички таркибини қайта қуриш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда илғор техноло-гияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга йўналтириш вазифаларини амалий ижросини таъминлаш;

- инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича турли модели ҳуқуқий тартибга солиш усулларидадан фойдаланиш, инвестицион фаолиятга оид қонунчиликни унификациялашда рақамли инвес-тицион хизматлар тизимини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини таъминловчи давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш, инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг интеграллашган тизимини жорий этишда лойиҳа рискларини самарали бошқариш тизимини оптималлаштириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.

2. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарори.

4. Liesbeth Colen, Miet Maertens and Jo Swinnen. Foreign direct investment as an engine for economic growth and human development: A review of the arguments and empirical evidence. January 2009 DOI: 10.4324/9780203076880 <https://www.researchgate.net/publication/237244956>

5. Mihaela Peres, Waqar Ameer & Helian Xu (2018) The impact of institutional quality on foreign direct investment inflows: evidence for developed and developing countries, *Economic Research-Ekonomska Istraživanja*, 31:1, 626-644, DOI: 10.1080/1331677X.2018.1438906 <https://doi.org/10.1080/1331677X.2018.1438906>

6. Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестиционный потенциал. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 1999. - 662с.

7. Чараева М.В. Финансовое управление реальными инвестициями организаций: учебное пособие / М.В. Чараева. Москва: Альфа-М, 2014. 240 с.

8. Усковао Т.В. Роли инвестиций в обеспечении устойчивого экономического роста. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 6 (30) 2013., 45-59 стр.
9. Прусак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику // Финансы. 2001. - № 1. - С. 6-8.
10. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.
11. Нодирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт проблемы, перспективы роста. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2011. 184 б.
12. Ғозибеков Д, Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: “Iqtisod-Moliya”. 2007, -Б.92
13. Бабабекова Д.Ш, Турсунов Б.О. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари. Илмий-оммабоп рисола.-Т.: “Iqtisod-Moliya” 2019., 40 б
14. Умаров Ф.У. Инновацион-инвестиция фаол тадбиркорликнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил
15. Бурханов А. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш-миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили. Biznes-Эксперт, 2018 йил. №10.,7-13 бет.
16. Бозоров Р.Ҳ. Ўзбекистоннинг глобал индексларда иштирокини кенг таъминлаш – инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг муҳим омили. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил.
17. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Стратегик ривожланиш агентлиги фаолияти муҳокамаси юзасидаги йиғилиши.12.01.2022 й.